

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 186

Нуробод шаҳри

« 5 » « январ » 2022 йил

"Шохрухжон Омад Савдоси" Х/К, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи М.Хайитова номидан, бир томондан ва Нуробод туман мактабгача таълим бўлими кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Д.Амирова номидан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Т/Р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Тухум	дона	5230	1000	5230000
2	Карам	кг	646,4	4500	2908800
3	Лавлаги	кг	326,2	6000	1957200
4	Ошқовок	кг	850	5000	4250000
5	Турп	кг	95,6	2000	191200
6	Олма	кг	950	7000	6650000
7	Банан	кг	203	19000	3857000
8	Лимон	кг	22	18000	396000
ЖАМИ:					25 440 200

« 5 » « январ » 2022 йилдаги № 186 - сонли шартноманинг 1-варағи

ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси суммаси **25 440 200 (Йигирма беш миллион тўрт юз қирк минг икки юз)** сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинadиган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 15 % ни ташкил қилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

3.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.2.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.2.3. Сотувчи тўпلامда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
 - 3.2.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.
- #### 3.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:
- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
 - шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
 - шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
 - учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан холи бўлган товарни топширишни талаб қилиш

3.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- 3.4.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.4.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.4.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдоридан, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдоридан, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пенна тулайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган қун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридан пенна тулайди, бироқ бунда пеннанинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома имзоланган пайдан **2022 йил «31» декабр**гача амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхадан тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иқтисодий судда ҳал қилинади.

8.ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарилиб бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

9.3 Мазкур **25 440 200** сўмлик, № 186-сонли шартнома 2022 йил « 5 » « январ »да 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Нуробод туман буйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кирди

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

"Шохрухжон Омад Савдоси" Х/К

Нуробод мактабгача таълим бўлими

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил Нуробод шаҳри

Манзил: Нуробод шаҳри

х/р 20208000004847116001

Тел./факс 633-16-17

МФО 00291

ш/х* 100022860182357091100251001

ИНН 301593852

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207266544

ОКОНХ 84119

Оқонх 71264

Нуробод тумани буйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: АТБ “Агробанк” Нуробод филиали

Банкнинг номи Тошкент Марказий банк ХККМ

МФО 00014


Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар

М.Хайитова

Раҳбар

Д.Амирова



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: « Shoxruhjon Omad Savdosi » xususiy korxonasi bilan tuzilgan 186-sonli oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 24.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil « 24 » yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsult

F.Tilavov



2022 йил «5» «январ»

Нурубод туман мактабгача таълим бўлимига карашли мактабгача таълим муассасалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши
Б А Ё Н И № 13

2022 йил «5» «январ»

Нурубод тумани

Раислик қилувчи:

Д.Амирова

Иштирок этдилар:

Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Нурубод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган.

Йиғилишда мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган озиқ-овқат маҳсулотларининг тур, ўлчам ва нархлари урганилиб чиқилди. Хусусан, доимий ишловчи танлов (тендер) комиссияга қўйидаги етказиб берувчилар томонидан тижорат таклифлари тақдим қилинган:

- Нурубод туманида жойлашган «Бахромов ФБФ» МЧЖ томонидан 2021 йил «30» «декабр»даги № 86 сонли хати билан;

- Нурубод туманида жойлашган «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К томонидан 2021 йил «29» «декабр» даги № 186 сонли хати билан;

- Нурубод туманида жойлашган «Исломбек Усмонжон Бизнес Барака» О/К томонидан 2021 йил «30» «декабр»даги № 72 сонли хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

“Корхоналар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (хар бир туман бўлинмасида) уларни жойлаштириб туриш кафолати берилган”.

№	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат) нархи	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ		
					«Шохрухжон Омад Савдо» Х/К	«Исломбек Усмонжон Бизнес Барака» О/К	«Бахромов ФБФ» МЧЖ
1	Тухум	дона	5230	1100	1000	1050	1100
2	Карам	кг	646,4	4950	4500	4725	4950
3	Лавлаги	кг	326,2	6600	6000	6300	6600
4	Ошқовок	кг	850	5500	5000	5250	5500
5	Турп	кг	95,6	2200	2000	2100	2200
6	Олма	кг	950	7700	7000	7350	7700
7	Банан	кг	203	20900	19000	19950	20900
8	Лимон	кг	22	19800	18000	18900	19800
ИТОГО:							

“Комиссия аъзолари томонидан бюджет маблағларини максимал иқтисод қилиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди» йиғилишида таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва уларни олингунга қадар оморларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоклиги, транспорт харажатларини ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаши сабабли «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К томонидан озик-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ишларини бошлашига қарор қилади.

2. «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К дан озик-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К дан озик-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказиб белгилансин. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ икки томонлама хўжалик шартномаси тузилсин.

4. «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К дан озик-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Нуробод тумани Ғазначилик бўлинмаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

Нуробод тумани Ғазначилик бўлинмасига 20 кун муддат ичида хўжалик шартномалари билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;

- мазкур комиссия йиғилиши баённома асли (кайтарилди) ва нусхаси;

- икки томонлама, «Шохрухжон Омад Савдо» Х/К томонидан жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган адвокатлар ёки юристлар алоҳида юрист хулосалари;






- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган лицензия;

- йўриқномаларда белгиланган бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим қилинсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати Ғ.Хидоятловга юклатилсин.


Ғ.Хидоятлов		Комиссия аъзоси
Ш.Аллабердиев		Комиссия аъзоси
Х.Хидиров		Комиссия аъзоси
А.Ортиқов		Комиссия аъзоси
Э.Суюнов		Комиссия аъзоси

Нуробод туман мактабгача таълим бўлимига

Озиқ-овқат маҳсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига

ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган "Шохрухжон
Омад Савдоси " Х/К



ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ


" Шохрухжон Омад Савдоси " Х/Книнг болалар овқатланиши учун

етказиб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари номлари ва нархлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Тухум	дона	1000
2	Карам	кг	4500
3	Лавлаги	кг	6000
4	Ошқовок	кг	5000
5	Турп	кг	2000
6	Олма	кг	7000
7	Банан	кг	19000
8	Лимон	кг	18000

Нуробод туманида жойлашган " Шохрухжон Омад
Савдоси " Х/К раҳбари:



М.Хайитова

Озик-овкат махсулотлари хариди бўйича доимий
ишловчи танлов комиссиясига



ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган «Бахромов
ФБФ» МЧЖ

ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ


МАЪЛУМОТ

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Тухум	дона	1100
2	Карам	кг	4950
3	Лавлаги	кг	6600
4	Ошқовок	кг	5500
5	Турп	кг	2200
6	Олма	кг	7700
7	Банан	кг	20900
8	Лимон	кг	19800

Нуробод туманида жойлашган «Бахромов ФБФ»
МЧЖ раҳбари:



С.Бахромов



Озиқ-овқат маҳсулотлари хариди
бўйича доимий ишловчи танлов
комиссиясига

Нуробод туманида жойлашган
«Исломбек Усмонжон Бизнес
Барака» О/К томонидан

ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Тухум	дона	1050
2	Карам	кг	4725
3	Лавлаги	кг	6300
4	Ошқовок	кг	5250
5	Турп	кг	2100
6	Олма	кг	7350
7	Банан	кг	19950
8	Лимон	кг	18900

Нуробод туманида жойлашган «Исломбек Усмонжон Бизнес
Барака» О/К раҳбари:



З.Йўлдошева